

Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Obidov S.A. Fond bozorini rivojlantirish milliy iqtisodiyotning eng muhim omili. // "Sciance and Education" Scientific journal, January 2021/Volume 2 Issue 1. P. 207.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning tarraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi farmoni.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 7-oktabrdagi fond bozorini rivojlantirish masalalariga bag'ishlangan yig'ilishi. <https://gov.uz/oz/news/view/24425>
4. Barr R. Political economy. – T.-M. International Relations, 1995. P. 319.
5. Gregory M. The principle is economics. – SPb.: Peter Kem, 1999. P. 538.
6. McConnell KR, Brew SL. Economics. – M.: Infra M, 2003. P. 62.
7. Mollah Aminul Islam, Haiyun Liu, Muhammad Asif Khan, Md Tariqul Islam, Md Reza Sultanuzzaman. Does foreign direct investment deepen the financial system in Southeast Asian economies? // Journal of Multinational Financial Management, 12 February 2021. P.13. <https://www.sciencedirect.com>
8. Takhumova Oksana V., Kasatkina Elena V., Maslihova Elena A., Alexey V.Yumashev, Maria V.Yumasheva. The main directions of increasing the investment attractiveness of the Russian regions in the conditions of institutional transformations. // Revista ESPACIOS, Vol. 39 (Number 37) 2018. P. 12.
9. G'ozibekov D.G'. Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. – T.: Moliya, 2003. – 332 b. (122-124-b.)
10. Vaxabov A.V. va boshqalar. Xorijiy investitsiyalar. O'quv qo'llanma. – T.: Moliya, 2010. – 328 b. (152-b.)
11. Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Доктор наук получить степень аспирант диссертации написан для. – Т., 2008. – 37 с.
12. Elmirzayev S. Rivojlangan mamlakatlarda dividend siyosati tahlili va Dividend Aristokratlari. // "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy-elektron jurnalni, 2-son, 2020. 11-b.
13. Shomirov A. The role of IPO mechanisms in attracting investments to joint stock companies: necessity and prospects. // International Finance and Accounting: Vol. 2021: Iss. 1, Article.
14. Abdikarimova D., Muxamedov F., Raxmedova M., Tursunova N., Sherkuziyeva N. tomonidan "Birja ishi" darsligi (2021-yil, 320 bet.) ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.
15. Elmirzayev S. Zamonaviy korporativ boshqaruv darsligi (2019-yil, 416 bet.) ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.
16. www.theglobaleconomy.com – veb-sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.
17. www.uzse.uz – Toshkent fond birjasining rasmiy veb-sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Захидова Зулфия Халилуллаевна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси**

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a39

Аннотация. Мақолада тижорат банклари томонидан ислом молиясининг иккинчи йирик сектори, жумладан, сукукни ривожлантириши орқали тижорат банк даромадини ошириш ва тижорат банкларининг ликвидилигини таъминлаш мумкинлиги регрессион ва корреляцион моделлар орқали таҳлил қилиниб, амалий фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: ислом молияси, ислом банки, ликвидилик, тижорат банки, аҳоли даромади, сукук, ялпи ички маҳсулот.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИСЛАМСКИХ МЕХАНИЗМОВ ФИНАНСИРОВАНИЯ КОММЕРЧЕСКИМ БАНКОМ

**Захидова Зулфия Халилуллаевна -
Ташкентский государственный экономический
университет исследователь**

Аннотация. В статье коммерческие банки могут увеличить доход коммерческих банков за счет развития второго по величине сектора исламских финансов, в том числе сукук, и обеспечить ликвидность коммерческих банков, анализируя с помощью моделей регрессии и корреляции и представляя практические мнения и комментарии.

Ключевые слова: исламские финансы, исламский банкинг, ликвидность, коммерческий банкинг, личный доход, сукук, валовой внутренний продукт.

IMPROVEMENT OF ISLAMIC FINANCING MECHANISMS BY A COMMERCIAL BANK

**Zaxidova Zulfiya Xalilullaevna -
Researcher of Tashkent State University of Economics**

Annotation. In the article, commercial banks can increase the income of commercial banks by developing the second largest sector of Islamic finance, including sukuks, and provide liquidity to commercial banks by analyzing with regression and correlation models and presenting practical opinions and comments.

Keywords: islamic finance, Islamic banking, liquidity, commercial banking, personal income, sukuks, gross domestic product.

Кириш. Исломий молия механизми анъанавий банк тизимида нисбатан муқобил тизим сифатида дунёда танилди ва қисқа муддатда тўлиқ шаклда тижорат банклари билан рақобатлаша оладиган яхлит механизмга айланди. Тижорат банкларидан фарқли равишда, исломий банклар молиялаштиришда фойда ва зарарни иштирокчилар ўртасида мутаносиб тақсимлаш воситасида тадбиркорлик субъектлари ва ишбилиармонларни ўзига жалб эта олди. Жаҳон миқёсида 48 та мамлакат ислом молиясини жорий этган бўлиб, уларнинг таркибида кўп сонли мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакатлардан ташқари аҳолисининг камчилик қисмини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар, жумладан: Буюк Британия (4,4 %), АҚШ (0,9 %), Сингапур (14 %), Швейцария (5,2 %), Канада (3,2 %), Австралия (2,6 %), Франция (9 %), Германия (5 %), Россия (15 %) ва Испания (2,1 %) каби мамлакатлар ҳам исломий банк хизматларидан фойдаланмоқда [9]. Исломий молия механизми ўзининг адолатлилиги, молиявий инқизозга учраш даражасининг пастлиги билан нафақат мусулмонларни, балки бошқа дин вакилларини ҳам ўзига торта олди.

Охиригина йилларда ислом молияси умумий ўсиш тедециясини кўрсатиб келмоқда. 2021 йилга келиб, ислом молиясининг активлари деярли 2,6 трлн. АҚШ долларига етди. Ҳисобкитобларга кўра, 2024 йил якунига қадар 3,4 трлн. АҚШ долларигача этиши кутилмоқда. Шунингдек, ислом молияси G20 кун тартибидан жой олишга ҳам улгургани унинг аҳамиятини янада оширади. Ислом молиясининг иккинчи йирик сектори – сукук нисбатан жадалроқ ўсиб келмоқда. 2020 йилда 123,15 млрд. АҚШ долари қийматида сукук эмиссия қилиниб, жами 1,1 трлн. АҚШ долларини ташкил этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилётган кенг иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойили уларнинг фаолиятида бозор механизmlарини кенгроқ жорий этиш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, тижорат банклари капитали таркибидаги давлат улушини кескин камайтириш, валюта бозорини либераллаштириш, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига қаратилмоқда. Жумладан, “худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш” масалалари бўйича ечимларни топишда мамлакатда банк тизими кредитлаш методологиясининг ўрни ва аҳамияти долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шархи. Исломий молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўз тадқиқотларида ва халқаро конференцияларда фикр ва муҳозалари келтириб ўтилган. Улар томонидан исломий молиялаштириш механизmlарининг мамлакат иқтисодиётida тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари ўз даврларида мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтилган.

Малайзиялик олим Судин Хорун тадқиқотлари давомида исломий банк тизимида ишлатиладиган беш тоифадаги воситаларни келтиради: биринчи тоифага фойда ва заарларни тақсимлашга асосланган воситалар, иккинчисига эса олди-сотдига асосланган воситалар, учинчисига йигим ва комиссияларни ўз ичига олган воситалар киради. Тўртинчи тоифа бепул хизматларни, бешинчисига эса ёрдамчи хизматларни ўз ичига олган воситаларни баён этиб беради[1].

Иброҳим Варде тадқиқотлари давомида исломий молиявий маҳсулотларни мазкур воситалардан фойдаланишда вужудга келадиган хукуқий, молиявий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар мажмууига асосланиб таснифлайди. Шунга мувофиқ равишида, у сотишга асосланган муробаҳа, мусовама, истисноъ, салам, таварруқ ва ийна каби битимлар кирадиган маҳсулотларни ажратиб кўрсатади. Иккинчи гуруҳдаги воситалар ижара(ёллаш)га асосланган маҳсулотлардир. Учинчи гуруҳга эса фойда ва заарларни бўлишиш ҳамда улушли иштирокка (музораба ва мушорака) асосланган маҳсулотлар киради[2].

Россиялик мутахассис Р.И.Беккин исломий молиявий маҳсулотларнинг қуйидаги таснифини келтиради: фойда ва заарларни тақсимлаш механизмига асосланган воситалар ёки молиялаштиришнинг инвестициявий воситалари: музораба, мушорака; қарз билан боғлиқ молиялаштиришга асосланган воситалар: муробаҳа, салам, шунингдек, истисноъ ва ижара хизмат турлари бўйича ўз таклифларини келтириб ўтган [3].

Р.Р.Воҳидов молиявий воситаларнинг энг кўп тарқалган икки гуруҳини кўрсатиб ўтади: капиталда иштирок этишга асосланган воситалар ва қарз билан боғлиқ молиялаштиришга асосланган воситалар. Капиталда иштирок этишга асосланган воситаларга Р.Р.Воҳидов музораба ва мушоракани, қарз билан боғлиқ молиялаштиришга асосланган воситаларга муробаҳа, ижара, салам ва сукукни киритади [4].

Ислом молияси ва банк ишининг фундаментал асослари ва тамойиллари, хусусан, сукукларнинг ишлаш механизmlарни ва унинг истиқболлари бўйича малайзиялик олимлар Седин Хорун ва Ван Нурсофиза Ван Азми (Sudin

& Wan Nursofiza, 2009) [5], ғарб олимларидан Брайн Кеттел (Kettell, 2011) иш олиб борган. МДХ вакилларидан Л.С.Мокина (Мокина, 2017) [6] ва Яқин Шарқ олимлари Ж.Насиф, Абдулкардир Томас (Nathif & Abdulkader, 2005) исломий қимматли қоғозлар молиялаштиришнинг янги манбалари сифатида намоён бўлишини очиб берган [7]. Бундан ташқари М.У.Чапра (Chapra, 2011) исломий қимматли қоғозларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқизори шароитидан кам таъсир билан чиққанига тўхталиб ўтган [8]. Ўзбекистон олимларидан Равшан Абдуллаев (Абдуллаев ва Дусанов, 2007), таржимонлардан Ботирхўжа Жўраев (Жўраев, 2014) бу борада илмий ишларни бошлаб беришган. Умуман олганда, мавзу жаҳон ҳамжамияти учун бирмунча, Ўзбекистон учун деярли янги бўлганлиги учун келгусида кўплаб изланишларни талаб этади.

Сукукнинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини баҳолашдан олдин бу борада амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш мақсадида Scopus базасида индексацияланувчи "Elsevier" нашриёти томонидан халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолалар ўрганиб чиқилди. Қидиув тизимида "сукук" сўзининг мақола номи, аннотацияси ва калит сўзларида фойдаланишилик хусусиятига кўра 57 та мақола мавжудлиги аниқланди. Ушбу адабиётларни ўрганиш натижасида ислом молияси ва ислом банклари билан боғлиқ илмий ишлар кўпайиб бораётганилиги ҳақида хulosага келиш мумкин. Уларнинг таркибида адабиётларнинг илмий таҳлиллари ҳам мавжуд.

Сукукларнинг иқтисодиётга таъсири борасида амалга оширилган илмий ишлар кам бўлиб, бу борада илк уриниш сукук эмиссиясининг ЯИМ, ялпи асосий капитал ўсиши ва савдо жараёнларига таъсирига ўйналтирилган. Ушбу мақолада сукук эмиссиясининг ЯИМ, асосий капитал ўсиши ва савдо жараёнларга таъсири 2005-2012 йилларда кўрилган бўлиб, Форс кўрфази мамлакатлари учун таъсири сезилмаган бўлса-да, барча эмитент мамлакатлар биргалиқда олинганда, сукук эмиссияси ЯИМга ижобий таъсир этиши аниқланган. Ўрганишлар кутилганидек натижа бермаган бўлса-да, янги йўналишга кўл урилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги кейинги изланиш салмоқли натижаларга эришганлиги билан эътиборга моликдир. Ишда бошқа омиллар ва методнинг танланганлиги билан аввалгисидан фарқ қиласди. 2000-2020 йилларда сукук эмиссия қилувчи мамлакатлар иқтисодий ўсишига сукукларнинг таъсири ўрганилган. Ундаги натижа шуни кўрсатадики, сукуклар узоқ муддатли давр учун иқтисодий ўсишни кўллаб-қувватлади. Бунда корпоратив ва давлат сукуклари бир хил аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада жорий йўналишни давом эттирган ҳолда сукук эмиссиясининг аҳоли даромадларига таъсир даражаси Малайзия мисолида 2006-2020 йиллардаги кўрсаткичлар асосида ўрганилган. Исломий молиялаштириш орқали бугунги кунда тижорат банкларимизни қийнаб келаётган ливидлилк муаммосини ҳал қилишимиз мумкинлиги регрессион ва корреляцион модель орқали таҳлил қилиниб, келажакда мамлакатимизда кўллаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Таҳлил ва натижалар. Тарихий ҳужжатлар шуни кўрсатадики, сукук масаласи биринчи марта Имом Моликнинг "Ал-Муватта" асарида ёритилган. Бу механизм Уммавийлар халифалиги даврида VII асрда амал қилган. Замонавий кўринишдаги сукук эмиссияси учун 1978 йилда Иорданияда ва 1980 йилда Покистонда уринишлар бўлган. Аммо бозордаги инфратузилма ва шаффофликнинг етарли даражада бўлмаганлиги учун бу уринишлар муваффақиятсиз якунланган. Муваффақиятли ҳисобланган илк сукук 1990 йилда Малайзияда 125 миллион Малайзия ринггити – 32,9 млн. АҚШ доллари қийматида чиқарилган. Шундан сўнг 2001 йилга қадар бирорта сукук эмиссия қилинмаган.

Тадқиқотимизда сукук ривожланишининг иқтисодиёт тараққиётига таъсири баҳоланган бўлиб, унда қуйидаги омиллар танлаб олинган:

- муомаладаги сукук ҳажми (*so*) – Малайзия муомаладаги сукук ҳажми. Сукук бозорининг энг асосий кўрсаткичларидан бири моделмиз учун таъсир этувчи омил сифатида танланган;

- аҳоли жон бошига миллий даромад (*gnprc*) – Малайзия миллий даромадининг аҳоли жон бошига тўғри келиши кўрсаткичи. Таъсир этилувчи ушбу омил аҳоли турмуш даражасини белгилаш учун хизмат қиласди.

Юқоридаги барча кўрсаткичлар 2006-2020 йиллар учун 2012 йилдаги ўзгармас нархларда миллий валютада ҳисобланган (1-жадвал). Маълумотлар Жаҳон банки, Халқаро ислом молия бозори (IIFM) ташкилоти ва Малайзия қимматли қоғозлар комиссиясидан олинганлиги таҳлилнинг ишончли бўлиши учун асос бўлади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади сукук эмиссиясининг аҳоли даромадларига таъсир даражаси Малайзия мисолида регрессион ва корреляцион модель тузишдан иборат. Ушбу моделларни тузишда ҳозирги кунда эконометрикада кенг кўлланилаётган "Eviews 9" дастуридан фойдаланамиз. Аҳоли жон бошига миллий даромад (*gnprc*)га таъсир қилувчи омилнинг таъсирини қуйидаги оддий регрессион ва корреляцион эконометрик формула кўринишида ифодалаймиз:

$$gnprci = \beta_0 + \beta_1 soi + \varepsilon_i \quad (1)$$

**Малайзия давлатида муомаладаги сукук ҳажми ва миллий даромадининг
аҳоли жон бошига қиймати [10]**

Йил	Муомаладаги сукук ҳажми (млрд.)	Аҳоли жон бошига миллий даромад	Аҳоли жон бошига миллий даромад*
2006 йил	105,2	22116,3	25824,3
2007 йил	135,8	24376,7	27131,5
2008 йил	152,8	27423,8	27607,5
2009 йил	172,0	25189,9	27005,6
2010 йил	181,0	28194,2	28194,2
2011 йил	349,3	31068,2	29462,3
2012 йил	474,5	32179,9	30217,7
2013 йил	512,1	33412,9	31331,4
2014 йил	576,3	35820,0	32778,0
2015 йил	607,9	37210,6	34184,6
2016 йил	661,1	38990,9	35141,6
2017 йил	759,6	42341,3	36784,3
2018 йил	844,2	43784,6	37677,4
2019 йил	935,7	45396,4	38945,3
2020 йил	1027,2	47008,2	40213,2

Оддий регрессион ва корреляцион эконо-метрик моделни тузишда натижавий омил ва сабаб омилиниң кўрсаткичлари турли хил бўлгани учун уларни натурал логарифмга ўтказиб, оддий регрессион ва корреляцион эконометрик формула кўринишига келтирамиз.

$$\ln gnp_{ci} = \beta_0 + \beta_1 \ln soi + \varepsilon_i \quad (2)$$

Юқоридаги (2) оддий регрессион ва корреляцион эконометрик моделинин тузишда «энг

кичик квадратлар усулидан» (Ordinary least squares) фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ушбу оддий регрессион ва корреляцион эконо-мерик модели таҳлили натижаси 2-жадвалда келтирилган.

Ушбу келтирилган ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бир омилли регрессион модель шакланди:

$$\ln gnp_{ci} = 9,26 + 0,18 \ln soi + \varepsilon_i \quad (3)$$

2-жадвал

Eviews дастури асосида оддий регрессион ва корреляцион таҳлил натижалари [14]

Боғлиқ ўзгарувчи: Аҳоли жон бошига миллий даромад ($\ln gnp_{pc}$)				
Метод: Энг кичик квадратлар				
Маълумотлар: 2006-2020				
Кузатувлар сони: 13				
Ўзгарувчилар	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистик	Эҳтимоллиги
Муомаладаги сукук ҳажми ($\ln soi$)	0.184419	0.018732	9.845261	0.0000
C	9.265272	0.109297	84.77156	0.0000
Детерминация коэффициенти	0.898081	Боғлиқ ўзгарувчиларнинг ўртача қиймати		10.33518
Тўғриланган детерминация коэффициенти	0.888816	Боғлиқ ўзгарувчиларнинг стандарт четланиши		0.126198
Регрессиянинг стандарт хатолиги	0.042080	Акайкенинг мезони		-3.357857
Қолдиқларнинг квадрат йиғиндиси	0.019478	Шварц мезони		-3.270942
Максимал ўхашалик функциясининг қиймати	23.82607	Ханнан-Куинн мезони		-3.375722
F-статистикаси	96.92917	Дарбин-Уотсон статистикаси		0.731932
Эҳтимоллиги (F статистикаси)	0.000001			

2-жадвалдаги маълумотларнинг регрессион таҳлили шуни кўрсатадики, боғлиқ ўзгарувчи ҳисобланган аҳоли жон бошига миллий даромад($\ln gnp_{pc}$)га мустақил ўзгарувчи ҳисобланган муомаладаги сукук ҳажми ($\ln soi$) мавжуд. Тўғриланган детерминация коэффициенти шакллантирилган моделнинг маълумотларига қанчалик яхши мос келишини кўрсатди. Чунки тўғриланган детерминация коэффициенти қанчалик бирга яқин бўлса, мустақил ўзгарувчи ҳисобланган муомаладаги сукук ҳажми боғлиқ

ўзгарувчи аҳоли жон бошига миллий даромаднинг ўзариши таъсирини асослаб беради. Яъни аҳоли жон бошига миллий даромаднинг қийматларини хатосиз прогноз қилиш имкониятини беради. Шаклланган моделда тўғриланган детерминация коэффициенти шуни кўрсатадики, аҳоли жон бошига миллий даромад ($\ln gnp_{pc}$)нинг 89,8 фоизи моделда шакллантирилган омил ҳисобланган муомаладаги сукук ҳажмига боғлиқ. Қолган 10,2 фоиз эса ҳисобга олинмаган бошқа омилларга боғлиқ ҳисобланади. Аҳоли

жон бошига миллий даромад (*Ingnipc*)га таъсир қилувчи омил ҳисобланган муомаладаги сукук

ҳажми таъсири даражаси коэффициентнинг 5 фоизлик муҳимлик даражасида аниқланади.

3-жадвал

Бреуш-Годфри автокорреляцияси тести натижаси [14]

F-статистика	2.712952	Эҳтимоллиги F(4,3)	0.1197
Кузатув*R-квадрат	4.889590	Эҳтимоллиги. чи-квадрат(4)	0.0867

Регрессион моделнинг муомаладаги сукук ҳажми коэффициентининг Р қийматининг эҳтимоллиги бир фоиздан кичик бўлиб, ушбу коэффициентнинг аҳоли жон бошига миллий даромад ўзгаришига таъсир қилишини англатади. Тузилган регрессион моделнинг Фишернинг F-статистикаси Р қийматининг эҳтимоллиги 0,05 дан кичик бўлиб, ўзгармас ва мустақил ўзгарувчи омилнинг боғлиқ ўзгарувчи ҳисобланган аҳо-

ли жон бошига миллий даромадга таъсир қилишини кўрсатади.

Моделнинг прогноз қилишини аниқлаш учун диагностика таҳлилини амалга оширамиз. Биринчи навбатда, тузилган моделда қолдиқларда автокорреляция муаммоси мавжудлигини текширамиз. Қолдиқларда автокорреляция Бреуш-Годфри тести орқали аниқланади (3-жадвал).

4-жадвал

Бреуш-Паган-Годфри гетероскедастик тест натижаси

F-статистика	3.048468	Эҳтимоллиги F(1,7)	0.1086
Кузатув*R-квадрат	2.820954	Эҳтимоллиги. чи-квадрат(1)	0.0930
Умумий квадрат йигиндинсини тушунириш	1.063535	Эҳтимоллиги. чи-квадрат(1)	0.3024

Бреуш-Годфри тести натижасидан келиб чиққан ҳолда қолдиқлар ўртасида автокорреляция мавжуд эмас. Чунки R-квадрат эҳтимоллиги даражаси 0,05 дан катта бўлиб, ноль гепотеза қолдиқларнинг автокорреляцияси мавжуд эмас гепотезасини қабул қиласди. Бреуш-Годфри автокорреляцияси тестидан кейин қолдиқларнинг гетероскедастик тестини амалга оширамиз. Гетероскедастик тести Бреуш-Паган-Годфри тести орқали аниқланади (4-жадвал).

Бреуш-Паган-Годфри гетероскедастик натижасидан келиб чиққан ҳолда қолдиқлар ўртасида гетероскедастик мавжуд эмас. Чунки R-квадрат эҳтимоллиги даражаси 0,05 дан катта бўлиб, ноль гепотеза шуни кўрсатади, қолдиқларнинг гетероскедастик мавжуд эмас гепотезасини қабул қиласди. Яъни тузилган модель қолдиқлари гомоскедастик тебранишга эга. Диагностика тестлари шуни англатади, тузилган моделда қолдиқларда автокорреляция мавжуд бўлмаса, қолдиқларда тебраниши гомоскедастик бўлиши прогноз қилинади. Қолдиқларнинг нормал тақсимоти тести натижасидан келиб чиққан ҳолда қолдиқлар ўртасида нормал тақсимот мавжуд. Чунки R-квадрат эҳтимоллиги даражаси 0,05 дан катта бўлиб, ноль гепотеза шуни кўрсатади, қолдиқларнинг нормал тақсимоти мавжуд гепотезасини қабул қиласди. Яъни тузилган модель қолдиқлари тебраниши нормаллиги мавжуд.

Хуласа ва таклифлар. Глобаллашув ва жаҳонда кетаётган инновацион ўзгаришлардан орта қолмаслик мақсадида Ўзбекистон хукумати ахлоқий (исломий) молия ёки шерикчиликка

асосланган банкинг саноатини ривожлантириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиши тавсия этилади. Ушбу йўл харитаси мавжуд қонунчиликни (банк фаолияти, солик, қимматли қоғозларга доир қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш) такомиллаштириш, тарғибот ишларини олиб бориш, исломий молия инфраструктулмасини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни ва давлат секторини ривожлантириш, исломий молия хизматлари бозорини ривожлантириш, илмий-ўқув ишларини олиб бориш ва инвесторлар билан ишлашни ўз ичига олиши лозим. Шу билан бирга, ҳар бир бажариладиган тадбир бўйича масъул идора ва муддат белгиланиши мақсадга мувофик.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун Ислом тадқиқотлар ва тренинглар институтининг грант маблағлари ва маслаҳат хизматларидан фойдаланса бўлади.

Исломий молия инсонларнинг, бизнес ва хукуматларнинг эҳтиёжларини қондирадиган йўлларнинг энг яхши намунасиdir. Бу маҳсулот таклифи ва ижтимоий имтиёзлар ўртасидаги боғлиқлик, айниқса, аниқ бўлган соҳадир. Ушбу имтиёзларнинг энг муҳимларидан бири соҳага молиявий интеграцияни ошириш учун салоҳиятнинг мавжудлигидир.

Ўтказилган тадқиқотимизда сукукнинг иқтисодиётга ижобий таъсири борасидаги ўртага ташланган гипотеза яна бир бор ўз тасдиғини топди. Шунга кўра, мусулмонлар кўп истиқомат қилувчи мамлакатларда аҳоли даромадини оширишнинг бир омили сифатида сукукларнинг эмиссиясидан фойдаланиш мақсадга муво-

фиқ. Бунда ўрта ва узоқ муддатли сукуклар макроиктисодий нуқтаи назаридан самарадорлироқ ҳисобланади. Шу қунга қадар сукукни жорий қилмаган ёки ушбу молиявий воситадан кам фойдаланаётган мамлакатлар иқтисодиётига туртки бериш учун қулай имконият сифатида қараймиз.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, бошқа омилларни (*ceteris paribus*) ҳисобга олмаган ҳолда муомаладаги сукук ҳажми 1 фоизга ўсиши аҳоли жон бошига миллий даромад 0,18 фоизга ўсишига олиб келади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Судин Хорун. Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамоийлари ва амалиёти. – Қозон: ЛиновА-Медиа, 2012. – 536 б.
2. <https://telegra.ph/SAJJID-IBRO%D2%82IM-VARDA-09> – интернет маълумотлари. (@quranuz_kanaliSeptember 09, 2020).
3. Bekkin R. The Islamic Studies Department of Petrograd State University (One Little Known Page of A.É.Schmidt's Biography). // Manuscripta Orientalia. Vol. 20. No. 1. June 2014. P. 59-67.
4. Воҳидов Р. "Мажсолисун-нафоис"нинг таржималари. / Масъул муҳаррир: Б.Валихўжаев. – Т.: Фан, 1984.
5. Sudin Haron, Nursofiza Wan Azmi (Wan) McGraw Hill, 2009. Banks and banking. – 536 pages.
6. Мокина Л.С. Исламское финансирование в России и в мире: проблемы и перспективы. // Вестник Прикамского социального института.
7. <https://www.econbiz.de/Record/islamic-bonds-your-guide-to-structuring-issuing-and-investing-in-sukuk-adam-nathif/10004163657> - сайт маълумотлари.
8. Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market. International Islamic Financial Market, July 2019, 8th edition. – 184 p.
9. Islamic Finance Development Report 2019: Shifting Dynamics. The Islamic Corporation for the Development of the Private Sector and Refinitiv. – 102 p.
10. Malaysian ICM bulletin ва Жаҳон банки маълумотлари асосида тайёрланган.
11. Smaoui H., & Nechi S. Does sukuk market development spur economic growth? Research in International Business and Finance, 2017, 41, pp. 136-147.
12. Сукук. Шариатский стандарт № 17. / Пер. с англ. [Ред. совет: Р.Р.Вахитов и др.]; Орг. бух. учета и аудита исламских фин. учреждений (AAOIFI). – М.: Исламская книга, 2010. – 40 с.
13. Echchabi A., Abd.aziz H., Idriss U., 2016. Does sukuk financing promote economic growth? An emphasis on the major issuing countries. Turk. J. Islam. Econ. 2016, 3, pp. 63-73.
14. "Eviews" дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Усмонов Парвиз Шавкатович -
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мазкур мақола маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлашнинг услюбий жиҳатларига бағишинган бўлиб, унда маҳаллий бюджетларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва олдида турган вазифаларидан келиб чиқиб уларнинг даромадларини янада ошириш, харажатларини амалга оширишда молиявий мустақиллигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳолати таҳлил қилинган. Мақоланинг сўнггида маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлашнинг услюбий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калим сўзлар: маҳаллий бюджет, молиявий мустақиллик, даромад, харажат, солиқ,

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

Усмонов Парвиз Шавкатович -
Соискатель Самаркандинский
институт экономики и сервиса

Аннотация. Данная статья посвящена методологическим аспектам обеспечения финансовой самостоятельности местных бюджетов, а также анализу состояния дел местных бюджетов в целях дальнейшего увеличения их доходов и обеспечения их финансовой независимости при осуществлении своих расходов исходя из роли местные бюджеты в экономике и их задачи. В конце статьи сформулированы предложения и рекомендации по совершенствованию методических аспектов обеспечения финансовой независимости местных бюджетов.

Ключевые слова: местный бюджет, финансовая независимость, доход, расход, налог.